



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси давлат ташрифим давомида Сиз ва ўзбек халқи томонидан менга кўрсатилган иззат-икром учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Олий даражада бўлиб ўтган учрашувда давлатларимиз нафақат энергетика соҳаси, балки «электрон ҳукумат», ахборот технологиялари, тўқимачилик ва мудофаа саноати, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, инфратузилма ва бошқа кўплаб соҳаларда турли ҳамкорлик лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эришди. Сиз билан келишиб олган муҳим лойиҳаларни бекаму кўст, тўла амалга ошириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишимизга ишонман.

Бўлиб ўтган учрашувлар натижасида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида биргаликда раванқ топишга интилаётган стратегик шериклар эканига амин бўлдим. Президент Жаноби Олийлари, Сизнинг халқаро ва минтақавий масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз, шунингдек, Ўзбекистондаги корейск

диаспорасига қаратаётган эътиборингиз мени хайратга солди ва чуқур таассурот қолдирди.

Жаноби Олийлари, мен яна шунини алоҳида миннатдорлик билан таъкидламоқчиманки, Тошкент шаҳри аэропортида мени шахсан кутиб олдингиз, Самарқанд шаҳрига мен билан бирга бордингиз. Бу билан самимий меҳмондўстлигингизни намояндалаштирдим. «Афросиёб» музейидаги деворий расмларда акс эттирилган Когурё даври элчиларининг тасвири Буюк Ипак йўлининг қадимий таърихи бизнинг кунларимизда ягона Евроосиёда яна мужасамлаша олишига ишончимни мустаҳкамлади.

Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлардан манфаатдор эканлигингиз ва уни астойдил қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришимизга ижозат бергайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак раванқ ва тараққиёт тилайман.

Пак Кин ХЭ,
Корея Республикаси
Президенти



Мустақиллик моҳияти аввало, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда ёрқин намоён бўлмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган 23 йиллик тадбирларда мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тўқин ва фаровон ҳаётимиз мустақиллик туфайли экани, ўз меҳнатимиз

билан уни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда партиямиз аъзолари, етакчилари, депутатлар фаол иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда.

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Ҳаммамизга яхши маълумки, ота-боболаримиз галла ҳақида, дон ва нон ҳақида кўпдан-кўп ҳикматларни айтишган. Улардан ибрат олиб, кўрган-кечирганларимдан келиб чиқиб, бу ҳақда менинг ҳам ўз хулосаларим бор. Уйда дони бор, нони бор одамнинг эртанги кундан кўнгли тўқ бўлади. Мамлакат галласи мўл бўлса, халқнинг кўнгли хотиржам бўлади, эртанги кунга ишончи баланд бўлади. Ўз нонига эга бўлмаган одам бировнинг кўлига қарайди, бировга муте бўлади.



Донимиз мўллиги бу — дастурхонимиз тўқинлиги ва кўнгли тўқлиги, қаддимиз баландлиги

Президентимизнинг мамлакатимиз галлакорларига йўллаган табригини диққат билан ўқиб, бу ҳақиқатни яна бир бор юракдан ҳис этдим.

Мен ҳам бир деҳқон, шу юртининг фарзанди сифатида ўша кунларни яхши эсламан. Озиқ-овқат магазинлари пештахталари хувилаб қолган, нонга соатлаб навбатда туришлар бошланган эди. Президентимиз ташаббуси билан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли, муболагасиз айтиш мумкинки, очликнинг, фалокатларнинг олди олинди. Мамлакатимизни ўз галламиз билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурни халқимиз кўллаб-қувватлади. Галла майдонлари кенгайтирилди, галлакорларга кенг имкониятлар яратилди, уларнинг меҳнати рағбатлантириб берилди. Буларнинг ҳаммаси туфайли юртимиз галла мустақиллигига эришди. Бугун эса галла хирмони 8 миллион тоннадан ошди. Бу рақам ортида нима ётганлигини, унинг моҳияти ниҳода эканлигини, азизлар, ҳаммамиз англашимиз керак.

Ма режасини ёруғ юз билан бажарди. Бизнинг фермер хўжалигимизда ҳам 32 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 72 центнердан хирмон кўтарилди.

Муҳтарам Президентимизнинг табригида вилоятимиз галлакорлари меҳнати, хусусан, Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Олтинқўл туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошгани алоҳида қайд этилди. Буни биз меҳнатимизга берилган юксак баҳо, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда бир гапни айтиш керакки, дала шийпонимиз яқинидаги тандирда доимо иссиқ нон ёпилади. Иссиқ нонни кўлимизга олиб, ҳар доим шундай сўзларни айтмаймиз: — Қани, олинлар, нонимиздан татиб кўринлар, ўзимизнинг бугўйдон, мағзи ширин...

Ўйлаб кўрсак, бу сўзларда донимиз, нонимизнинг таърифи бор моҳияти билан ифодалангандай... Ўзимизнинг бугўйдон, ўзимизнинг нон. Нондай тотли эшитилади бу сўзлар... Донимизнинг мўллиги — дастурхонимиз тўқинлиги ва халқимиз фаровонлиги тимсоли.

Ўйлаб кўрсак, бу сўзларда донимиз, нонимизнинг таърифи бор моҳияти билан ифодалангандай... Ўзимизнинг бугўйдон, ўзимизнинг нон. Нондай тотли эшитилади бу сўзлар... Донимизнинг мўллиги — дастурхонимиз тўқинлиги ва халқимиз фаровонлиги тимсоли.



Ифтихор

- Ватан курмоқ — матонат, Ватан севмоқ — диёнат. Қолган бари — омонат, Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Ватан курмоқ — кадрдир, Ватан курмоқ — фахрдир, Бу — миллатдир, бу — халқдир, Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Истибоднинг дорида, Ёмғирлари қорида, Асрлардан нарида, Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Пишган эди узумлар, Емирлиди тузумлар. Айтгил «Қаро кўзум»лаб: Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Сўргил оҳ ила зорин, Чеккан ранжу озорин Ота-бобонг мазорин — Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Ватан курмоқ — курашдир, Ҳар гиштидан сўрашдир. Жон-жонингга жойлашдир — Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Дунё талаш, дунё — оч, Айвонингда қалдиригоч. Кўзингни оч, замондош, Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Ўзингдан бир из қолдир, Огоҳ ўғил-қиз қолдир. Авлодларга сўз қолдир: Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Қалқиб турган бу олам, Тинч турмас ҳеч, жон болам, Қўрғонимсан ҳам лолом, Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Қутлуғ бўлсин мамлакат, Бу давлат, бу салтанат, Яратгандан марҳамат — Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Ҳайикмай тўфонлардан — Мардик доим сенга тан, Ота юрт, она Ватан — Ким эдигу ким бўлдиқ.
- Бурч ҳам қарздор то абад, Қарз ҳам фарздор то абад, Айтсанг арзир то абад: Ким эдигу ким бўлдиқ.

Сирожиқдин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Депутат сайловчи билан



доимий мулоқотда бўлиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Депутатлар сайловчилар билан олиб борадиган ишларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда парламент кўйи палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятини янада яхшилаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан.

«Бир муаммо бўйича мурожаатим бор эди...» фуқаро шундай деб катта ишонч билан ҳузуригизга келди...

ЎзХДП ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР Соғлом бола — соғлом оилада камол топади

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан Навоий вилоятининг Нурота туманидаги «Бўдик» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда хотин-қизлар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилди.

Шунингдек, Нурота туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари Т.Тошназаров, Ф.Қўлдошев оналар ва болалар, ёш оилалар саломатлигини мустаҳ-

камлаш борасида давлат томонидан белгиланган имтиёзлар ҳамда улардан тўлақонли фойдаланиш масалалари юзасидан батафсил маълумот беришди.

Вилоятда аҳоли, жумладан, ёш авлоднинг саломатлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқароларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар яхши самара бераётгани таъкидланди.

Саида ИСРОИЛОВА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Бизга қандай етакчилар керак?



www.uzbekistonovozi.uz

ТАДБИР «Сув — тириклик манбаи»

Болаларнинг ёзги таътил кунлари мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида юртимиздаги болалар оромгоҳларида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Нукус шаҳридаги «Жас аулад» болалар оромгоҳида 110 нафар болажон дам олмақда. Бу ерда турли маънавий-маърифий тадбирлар, қизиқарли спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келиняпти. Яқинда «Сув — тириклик манбаи» мавзусида маърифий тадбир ўтказилди. Унда она табиатни асраш,

сувни исроф қилмаслик, экологик маданият тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди, савол-жавоблар бўлди.

Бу каби тадбирлар болаларда она табиатга меҳрни оширишга хизмат қилади.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан Зангиота туманида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетаимизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.



Буюк алломаларнинг авлоди эканлигимдан фахрланаман

Бу — Рига техника университети талабаси Ҳабиб Тўлаевнинг фикри

— Бухородаги туризм коллежида ўқиганман, — дейди у. — Мактаб ва коллежда инглиз тили, физика ва математика фанларига қизиқардим.



Латвияда ўқиш имконияти ҳақида эшитган, менда кучимни синая қўриш истаги туғилди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, Рига техника университети-га ўқишга қабул қилиндим. — Таҳсил олаётган йўналишимиз ҳақида гапириб берсангиз? — Техник ўқазмалар факультетида ўқияман. Дарслар тўлиқ инглиз тилида ўтилади. Бу ердаги таълим жараёни ўзига хос. Биз турли тақдиротлар ўқазамиз, кашфиётлар қилишга уришиб кўрамиз. Университет кутубхонасида соҳанинг муҳим адабиётлари жамланган. Аксарият китобларнинг электрон версияси яратил-

ларидан бири бўлган Турин политехника университети-нинг филиали очилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. У ерда яратилган шароитларни интернет орқали кўриб бир хулосага келдим: бу таълим даргоҳи жаҳоннинг ҳеч қайси университети-дан қолишмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, техник йўналиши бўйича таҳсил оладиган талабаларга дарслар инглиз тилида ўти-лиши белгиланди. Бу олдин-га ташланган катта қадам.

— Латвияликларнинг Ўзбекистонга муносабати ҳақида тўхталсангиз? — 2013 йил октябрь ойи-да Президентимиз расмий таширф билан Латвияда бўлди. Ушанда мамлакат теле-визионеси, матбуоти бу жараёни кенг ёритди. Маҳаллий тилни билмаганим учун фақат рус тилидаги маълумотларни ўқидим. Латвиялик курсдошларим икки давлат президенти ўрта-сидаги учрашув юқори да-ражада бўлганини гапириб беришди.

2014 йил май ойида Латвия Президенти расмий таширф билан Ўзбекистон-га борди. Унда Андрес Берзиньш Латвия Ўзбекистон-ни Марказий Осиёдаги асосий ҳамкорларидан бири сифатида тан олишини таъ-



кидлади. Бу сўзлар ҳамма-мизни хурсанд қилди. Жорий йил апрель ойида Ригада Ўзбекистон савдо уйи иш бошлади. Бу жой айни пайтда бизнинг энг се-вимли масканимизга айлан-ган. Бундан ташқари Ригада Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатил-ган. Ҳар гал шу ҳайкаллар ёнидан ўтарканман, буюк алломалар авлоди эканим-дан фахрланаман. Латвияликлар бизнинг алья-аналаримизни, урф-одатла-римизни яхши билади ва ҳур-мат билан қарайди. Ай-ниқса, ўзбек таомлари улар-га жуда ҳам маъқул. Ригада ўзбек ресторани кўп. — Дарсдан бўш вақтин-гизни нималарга сарф-лайсиз? — Вақти-вақти билан саё-ҳат қилиб тураман. Европа давлатлари Латвияга яқин

Қарор ва ижро Бола тарбияси — ЮКСАК масЪулияТ

Таълим муассасамизда 130 нафар бола тарбияланмоқда. Муассасада таълим-тарбия жараёни «Мактабгача таълим концепцияси»га мувофиқ ра-вишда «Болажон» таянч дас-тури асосида олиб борилаяп-ти.

Болажонларимиз учун турли тўғарақлар ишлаб турибди. Ма-салан, инглиз ва рус тиллари ҳамда шашка тўғарақлари фао-лиятидан ота-оналар мамнун. Айнан «Hello English» тўғара-ги Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилди. Педагог Мафтуна Ражабова раҳбарлик қилаётган ушбу тўғаракка 60 нафар бола жалб қилинган. Уларнинг аксари инглиз тилида бурро гапираёт-гани кишини қувонтиради.



Юртимизнинг келажоги, мамла-катимизнинг эртанги куни бугун биз болажонларимизга нима ўргатаётганимиз, уларга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқлигини яхши тушунамиз. Эрактош Рустамова, Ҳилола Долиева, Манзура Қудратова, Дилафруз Ербоёева ва Насиба Камолова каби тарбиячиларимиз кўнгилчор соатлар ташкил этиш, кичкинтойларни турли тўғарақла-ра, қизиқарли ўйинларга жалб этиш йўлида фидойий меҳнат қил-моқдалар. Бир қараганда болалар боғча-си унча жиддий масканга ўша-майди. Аслида биз энг масъули-ятли ва шарафли ишни бажаря-миз. Бошқача айтганда мамлакат келажоги болалар боғчасидан бошланади. Демак, зиммамизда-ги вазифамизни сиқидиқдан ба-жариш талаб этилади.

Саломат ҲАСАНОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги
3-мактабгача таълим муассасаси
мудираси.

ИНТЕРНЕТ-СУХБАТ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 2014 йил 18 июлдаги АА-5077/24 сонли хатига асосан газетанинг 2014 йил 5 июнь, 68 сонда чоп этилган эълондаги савдо кунлари узайтирилган ҳолда 2014 йил 24,29,31 июль ва 5 август кунлари бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темураш хўш кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қўйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилмоқда:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошлангич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	«KINDER FRUITS» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2.	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» масъулияти чекланган жамияти	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3.	«NAMANGAN QOQ'OZI» масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Курувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4.	«ASIA SOKATO» масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш	1 463 700 000,0	717 640,71
5.	«NUKUS AGRO» масъулияти чекланган жамияти	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули	Томат пастасини ишлаб чиқариш	1 785 453 700,0	853 018,82
6.	«ASAKA MAK» масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ишлаб чиқариш	3 546 012 000,0	1 610 213,42
7.	«VODIY MUZQAYMOG'I» масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
8.	«OQ SAROY TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти	Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Бериш кўчаси, 44-уй	Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш	54 385 350 518,0	24 695 917,95
9.	«KOSONSOY TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
10.	«ROYAL SILK» масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Табий ипак ишлаб чиқариш	5 051 423 000,0	2 232 248,90
11.	«NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй	Ип-калава ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
12.	«NAMANGAN TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калава ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11
13.	«ANDIJON CHARM» масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи	Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
14.	«SOGDIANA PIPEPLAST» масъулияти чекланган жамияти	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
15.	«GAZALKENT STONE» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Гранит ва мрамор плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
16.	«XUMO TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти	Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, Наврўз шох кўчаси, 2-уй	Ип-калава ишлаб чиқариш	10 454 271 000,0	4 747 194,17

Очик аукцион шартлари
Аукцион қолиби улш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблагни аукцион ўтказилганидан сўнг бунак пули сифатида, қолган қисминин олди-сотди шартно-масида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.
Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бирйўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиганга фозилар ҳисоб-ланмасдан бўлиб-булиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўланганга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга

гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Уэмиллибанк» бундан мустасно) тўлана-ди.
Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qoq'oz» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nikus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To'qimachi»

МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.
Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан бел-гиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.
Хўжалиқларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотиини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жум-ладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳо-лаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комис-сион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аук-ционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан

боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.
Аукционда иштирок этиш учун талаб-гор қўйидаги хўжалиқларни тақдим этиши лозим:
• юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун вако-латли вақил номига, унинг шахсини тасдиқ-ловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рас-

РЕКЛАМА

мийлаштирилган ишончнома;

• жисмоний шахслар учун — паспорт (исти-комат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда вако-латли вақил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатил-ган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
• аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат ўтказилганлигини тас-диқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qoq'oz» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nikus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖдаги улшлар бошлангич нархларининг 5 фоизи миқдоридан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улшлар бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улш бошлангич баҳосининг 3 фоизи миқдоридан зақалат пулларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун бюртман-омаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғри-сидаги эълонда кўрсатилган санадан бошла-нади ва аукцион ўтказиш бошланганидан ка-мида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улшлари сотилаётган қорхона-лар билан уларнинг юқоридан кўрсатиб ўтил-ган манзилга бориб танилиши мумкин.

Очик аукцион белгиланган кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мир-обод тумани, Амир Темураш хўш кўчаси, 16-А уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали) манзи-лида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа во-ситалари:
Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темураш хўш кўчаси, 101-уй; теле-фон (8-371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс: (8-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темураш хўш кўчаси, 16-А уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (8-371) 233-02-49; телефакс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS.MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2014 йил 26 июнь кунин ўтказилган очик аукцион савдо-си натижаларига кўра, «InFinBank» ХОАТБнинг «TASHKENT TRANS AUTO» МЧЖ устав фонди-даги 100 % улши — 24 035 000 000 сўмга; 2014 йил 1 ва 3 июль кунлари ўтказилган ома-мавий оферта савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «AZIA AYS» МЧЖ устав фондидаги 100 % улши — 1 370 257 000 сўмга ва «SURHON SUN MILK» МЧЖ устав фондидаги 100 % улши — 351 163 600 сўмга; 2014 йил 15 ва 17 июль кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси нати-жаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «CHINQOZ TEXTILE» МЧЖ устав фондидаги 100 % улши — 36 640 000 000 сўмга; «Тошсиссиқуввати» ишлаб чиқариш бирлаш-маси УК балансидаги д/р 01/051XBA бўлган «KPA3250K-1»—31 800 000 сўмга; д/р 01/049XBA бўлган «KPA3257M KCA561A»—34 600 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

ГУВОҲНОМА № 005357
Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.
Korxonona manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713
naxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon BUKIROV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ

аввало, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда ёрқин намоён бўлмоқда



Партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида Окқўрғон туманида ўтказилган семинарда ҳам ана шу масалалар ҳусусида сўз борди.

Окқўрғон тумани Тошкент вилоятдаги жадал ривожланаётган ҳудуд ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳамда sanoatнинг тараққиёти этиши туман иқтисодиёти ривожлантириб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши, кенг қўламли бунёдкорлик

ва ободонлаштириш ишларига асос бўлмоқда.

Бугунги кунда туманда 74 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 43860,6 миллион сўмдан зиёд бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,5 фоизни ташкил этади. Барча сарфланган маблағлар эвазига аҳоли учун 5,7 километр ичимлик суви тармоқлари, қишлоқ врачлик пункти, 22 савдо, 50 ўринли 2 умумий овқатланадиган, 24 маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Семинарда **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева** иштирок этиб, мустақиллик бу, аввало, ҳуқуқ эканини эътироф этди.

— Биринчидан, истиқлол ту-

файли Ўзбекистон дунёда тенг ҳуқуқли давлат сифатида тан олинди. Иккинчидан, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланди. Шу боис мустақилликнинг тарихий аҳамиятини ҳар биримиз чуқур англашимиз, айниқса, ёшларимиз онгига уни синдиришимиз зарур, — деди у.

Сўнгги йилларида туманда 5 та касб-хунар коллежи, 50 та умумтаълим мактаби замона тараққиётини асосида капитал таълим мислини қабул қилди. 25-сон мусика ва санъат мактаби янги усулда қуриб битказилди. Шунингдек, 184 та спорт иншооти, 2 та стадион ҳамда 19 та спорт клуби ёшлар спорт билан шуғулланиши учун шай ҳолатга келтирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя

қилишдаги муҳим йўналишлардан бири — соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислоҳ этилди. 187 ўринли шифохона, ҳудудий поликлиника, 9 та қишлоқ врачлик пункти тубдан қайта таъмирланди. Бундан қўзланган бош мақсад, аввало, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромованинг таъкидлашича, биргина галла мустақиллигига эришимиз энг катта ютуқларимиздан ҳисобланади. Чунки, истиқлолнинг илк даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, нон билан таъминлашда катта қийинчиликлар юзага келган. Бугун эса ўзимизни тўлиқ таъминлаб, галлани четга экспорт ҳам қилаёلمиз.

Бу йил ҳар қачонгидан юксак хирмон яратилди. Жумладан, Окқўрғон тумани ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб, шартнома режасини бажарди. Бугун жойлардаги тадбирларда мустақиллик моҳияти ҳақида сўз борар экан, биз айнан галла мустақиллиги нима экани ва бунга қандай эришганимизни ёшларга тушунтириб беришимиз лозим.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, **ЎзХДП** гуруҳи аъзоси **Ботир Шерқазиев** мавзу юзасидан ўз фикрини билдирар экан, ҳар биримиз бирор тўй бошлашдан аввал қариндош-уруғ, яқинларимиз билан маблағларимизни, — деди у. — Тўй чироғи, мазмунли ўтиши учун кенгашамиз. Мустақиллик кунини эса шу юрда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг байрамидир. Шундай экан, ҳар бир маҳаллада, қишлоқда бу кунга муносиб тайёргарлик кўришимиз, ким эдигу, ким бўлди, деган ҳаётий ҳақиқатни одамлар онгига синдиришимиз керак.

Бугунги кунда Окқўрғон туманида партиямизнинг минг на-

фардан ортиқ аъзоси бор. Ана шу жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашимиз зарур.

— Бугун мустақиллик аҳамиятини одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда кўраётимиз, — дейди **меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли Фароғат Сайфинова**. — Яқин ўтмишдаги ҳаёт билан бушаклантиришга қаратилган.

Бугун туманимиздаги исталган маҳалла ёки қишлоққа боринг, ҳар қадамда янгиликни кўрасиз, хушхабар эшитасиз. Ким тўй қилапти, кимдир машина сотиб олган, бошқа биров уй қурапти... Буларнинг барчасига, аввало, юртимиздаги тинчлик туфайли эришилмоқда.

гунгисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Нафрат шаҳарларимиз, балки қишлоқларимиз киёфасига қарайлик. Тарихий ўзгаришлардан қалбимиз яйради.

Масалан, бугун туманимиздаги исталган маҳалла ёки қишлоққа боринг, ҳар қадамда янгиликни кўрасиз, хушхабар эшитасиз. Ким тўй қилапти, кимдир машина сотиб олган, бошқа биров уй қурапти... Буларнинг барчасига, аввало, юртимиздаги тинчлик туфайли эришилмоқда.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сайдиалли Аҳмедов, Зиёвуддин Мансуров, ЎзХДП Окқўрғон туман кенгаши раиси Гулнора Абдуназимова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИ БИЛАН

доимий мулоқотда бўлиши керак

Иштирокчилар Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан депутатларнинг сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб туришига қаратилган чора-тадбирлар ички амалга оширилаётганини таъкидлашди. Жумладан, 2010-2014 йилларда депутатларнинг тажрибаси, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 30 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. Бу эса парламент аъзоларига сайлов округларида тизимли фаолият юритиш, парламент назоратини амалга ошириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш сайловчилар муносабатлари билан ишлаш бўйича илғор усуллари жорий қилиш имконини берди.

Сиёсий партиялар фракциялари аъзолари сайлов округларига чиқишдан олдин манзилли режалар тузиб олиши, учрашувларни самарали ўтказиш юзасидан ташкилий чоралар қўрилиши амалиётга кирди. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари натижалари фракция йиғинишларида муҳокама қилиниб, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилапти.

— Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йилда жойларда мингдан ортиқ учрашув ўтказди, — деди **парламент қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуманноб Раҳимов**. — Уларда 120 мингдан ортиқ сайловчи қатнашди. Учрашувларда берилган саволлар, асосан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалалари, депутатларнинг Қонунчилик палатасидаги фаолиятига тааллуқли бўлди. Бу аҳоли ва депутатлар ўртасидаги муносабатларнинг тобора яқинлашиб бораётганидан дарак беради.

Мавзунини муҳокама қилиш давомида ривожланган демократик давлатларда депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш тажрибаси таҳлил қилинди. Эксперт ва олимларнинг мавзу бўйича тақлифлари эшитилди. Тадбир якунида депутатларнинг сайловчилар билан оқиб борадиган ишларини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада тақомиллаштириш зарур, деган хулосага келинди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Мамлакатимизда подавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кундан кун ривожланиб бораёпти. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида бугун Бухоро вилоятида жамият ҳаётининг турли жоб-ҳалқарини қамраб олган 569 подавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда.

Грант маблағлари топширилди

Олий Мажлис ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилаётган грантлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз мақсади ва вазифаларини амалга ошириш, фаолиятини янада тақомиллаштиришда муҳим пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Кунини кеча Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят ҳудудий бўлимида «Худудларда ижтимоий шерикликни юксалтириш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлаш, грант маблағлари мақсадида ишлатилишини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда алоҳида таъкидланди. Унда Бухоро вилоят адлия божқармаси, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қўлғина ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида оқилана ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлашди. Шунингдек, ННТ олдига турган вазифалар, эришилаётган ютуқлар ва камчиликлар ҳусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида жамоат фонди томонидан ўтказилган грант танловларида голлиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларига тегишли сертификатлар топширилди.

— Биз тақдим этган лойиҳа виллоятимиз аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ва элимиз саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадларига қаратилган, — дейди **Қизил ярим ой жамияти Жондор туман бўлими раҳбари Хувайдо Норбоев**. — Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эрта никоҳ, эрта туғуруқ ҳолатларининг олдини олиш мақсадида барча таълим муассасалари, мактаблар, коллеж ва академик лицейларда давра суҳбатлари, семинар ва интерфол машғулотларини мунтазам олиб бориш лойиҳадан қўзланган мақсад амалга оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Тадбир якунида ННТнинг грант дастурларидаги иштирокини фаоллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА

ЎзХДП ДЕПУТАТИ: МАВЗУ АТРОФИДА МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

Қамаши туманида истиқомат қилувчи Севара Аҳмедова хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлаган. Ўтган йили ЎзХДП томонидан ўтказилган тадбирларнинг бирида иштирок этиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда партия ташкилотларининг вазифалари, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳамда депутат ваколати ҳақида атрофлича тушунчага эга бўлган эди...

Коллежини тамомлагач, у ўз мутахассислиги бўйича иш топишга бироз қийналди. Орадан кўп ўтмай, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати **Рашида Маҳмадиева** ишга жойлаштириш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Депутат унинг мутахассислиги билан танишиб, шунга мос бўлиш ўринларини ўрганиб, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиб ва масалани ижобий ҳал қилишга эришиб, **Севара Аҳмедова** мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Энг муҳими эса электротар вакилнинг мурожаати эътиборисиз қолмаганидир.

Бугун партия ташкилотлари ва гуруҳлари худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратилган аниқ тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиши давр талабига айланган. Бунинг учун, албатта, аҳолидан тушган мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор қаратиш зарур. Бу орқали нафақат фуқароларни ўйлантираётган масалалар бартараф этилади, балки жойларда учраётган камчиликлар аниқланади, уларни таҳлил этиш, ҳал қилиш бўйича ҳаётий тақлифлар ишлаб чиқиш имконияти кенгайди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари **Олим Рашидов** мазкур мавзу атрофида мулоҳаза юритиб, мурожаатлар билан ишлашда депутатлар фаоллигини ошириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Мурожаатлар билан ишлашда бизда яхши тажриба бор
Аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқий ва бошқа масала ҳал қилиш мақсадида, электротар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда партия кенгашлари қўшида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга партия бошланғич ташкилотлари, вилоят, туман ҳамда шаҳар кен-

«Бир муаммо бўйича мурожаатим бор эди...»

фуқаро шундай деб катта ишонч билан ҳузурингизга келди...

гашлари, партия гуруҳлари эътибори кучайгани электротар ишончини қозонишнинг асосий омилларидан бирига айланди.

Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг катта қисми коммунал хизмат, ўз ишини йўлга қўйиш, ишга жойлаштириш, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари масъулиятини ошириш билан боғлиқ бўлмоқда. Шунингдек, электротар вакиллари муайян масалада ҳуқуқий масала ҳал ва кўмакка эҳтиёж сезади. Шу боис мурожаатларни ҳал этишга малакали ҳуқуқшунослар ҳам жалб этилмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти таҳлили мазкур вазифалар имкон қадар самарали бажариб келинаётганини кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу кунига қадар вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 308 та мурожаат тушган. Уларни ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатлари мутасадди корхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқишди.

Фуқаро бизга ишониб, қабулхонага келади. Шу боис мурожаатлар билан ишлаш, уларни ижобий ҳал этишга жиддий эътибор билан қараймиз. Аслида ҳам ҳар бир партия ташкилоти унга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишни нафақат ўз вазифаси, балки ўз ташвиши, деб билиши керак.

Айтиш ўринлики, аҳоли мурожаатларини ҳал этишда депутатлик сўрови ҳамда ижтимоий шериклик муносабатлари кўл келаяпти. Кўтарилаётган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналари ашонини янада мустаҳкамламоқда.

Мурожаатлар билан ишлашда депутатлар фаоллиги ошиб бормоқда

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига

ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Чунки аҳоли мурожаатлари билан ишлашда депутат ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Айтилик, мурожаат келиб тушди. Партия фаоллари уни атрофлича ўрганиб, ҳафтанинг белгиланган кунда депутатлар иштирокида масала муҳокама қилинади. Агар зарур бўлса, малакали ҳуқуқшунос ва турли соҳа мутахассислари жалб қилинади. Айрим ҳолларда мурожаат орқидан фаоллар депутатлар билан жойларга чиқиш, худудларда учраётган муайян муаммоларни бартараф этиш юзасидан жамоатчилик фикрини пухта ўрганади. Бу тажриба фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Масала чуқур ўрганилгач, шу асосда тақлиф тайёрланади. Тақлиф партия фаоллари билан бирга яна бир бор муҳокама қилиниб маъқуллангач, тегишли идора ва ташкилотларга хат тайёрланади. Катта ижтимоий аҳамиятга эга, тез-тез учраётган масалалар эса депутатларимиз орқали маҳаллий вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритилади. Кўтарилган масаланинг ечимини депутат ва бевосита қабулхона учун масъул шахс эътиборида туради.

Демак, мурожаатлар билан ишлашда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара бermoқда.

Ҳамма жойда ҳам иш бир хил эмас...

Мурожаатлар билан ишлашда қатор камчиликларимиз ҳам бор. Масалан, айрим депутатларимиз аҳоли мурожаатларига етарли эътибор кўрсатмайди, уларни ҳал этишга келганда сусткашлик қилади. Туман ва шаҳар партия кенгашларимизнинг айримлари қабул тартиб асосида йўлга қўйилмаган. Мурожаатларни ҳал этишда депутатлар ва партия ташкилотларининг биргалликда ишлаш кўникмаси талаб даражасида эмас. Ижтимоий шериклик имкониятларидан ҳам етарли фойдаланилмапти...

Ҳўш, муаммо нимада? Аввало, бу ҳолат туман ва шаҳар партия кенгаш-

лари раислари ва депутатларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги оқибатида вужудга келган, дейиш мумкин.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларим бор

Яқинда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида бўлиб ўтган машғулотларда «Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда Жамоатчилик қабулхоналари ва партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини кучайтириш» мавзуси муҳокама этилди. Унда иштирок этганлар Жамоатчилик қабулхоналари ишини янада фаоллаштиришга қаратилган амалий тақлифлар билдиришди. Биз ана шундай семинарларни барча худудларда ташкил этишимиз керак. Унда партия ташкилотлари ва депутатларнинг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти таҳлил этилиб, камчиликлар оқиб айтилса, фаолларнинг масъулияти яна кучаяди, деб ўйлайман.

Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, жойларда кўча қабулхоналар ташкил этиш, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда партия гуруҳларининг фаоллиги ва талабчанлиги омиши талаб этилади. Бунинг учун депутатга тушган мурожаатдан партия ташкилотининг ҳам хабардорлигини ошириш, уни ҳал этишда улар бир ёқадан бош чиқариши керак. Партия кенгашлари раислари «бу мурожаат депутатга тушган, уни ҳал этишга ўзи масъул», деган фикрдан воз кечиши керак.

Шунингдек, депутатлик сўрови имкониятидан фойдаланиш, кўтарилаётган масалани ҳал этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чораларини кўришимиз лозим. Депутатлик сўровига беписанд қараганларга ўз таъсир кучимизни кўрсатмасак, сўзимиз ерда қолади, одамлар ишончини оқлай олаемиз.

Бундан ташқари, электротаримиз вакиллари қўяётган муаммоларни алоҳида-алоҳида ечиб беришдан қўра, уларни таҳлил этиб, умумлаштириб, маҳаллий вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритиб бориш амалиётини ривожлантиришимиз зарур, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

Мурожаатлар билан ишлашда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара беради.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

СЕМИНАР

Инсон қадри барча нарсадан устун

Бу эзгу тамойил мамлакатимизда чин маънода миллий қадриятга айлангани тиббиёт соҳасидаги ислохотлар мисолида ҳам эътироф этилмоқда.

ШАРХ

Мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар қадрини билиш, англаш учун, аввало, бугун дунёнинг қатор мамлакатларида тиббий хизмат қандай аҳволда эканига эътибор қаратиш керак бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳисоб-ки-тобларига қараганда, ҳар йили дунё бўйича 5 ёшгача бўлган 6,6 миллион бола ҳаётдан кўз юмаяпти. Ҳар кун деярли 800 аёл ҳомиладорлик пайтида ёки фарзанд дунёга келтираётган ёруғ оламни эрта тарк этапти.

XII асрда замонавий медицина изчил тараққий этаётган, соҳада жаҳоншумул кашфиётлар, тадқиқотлар, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай хасталикча чора топилаётган бир пайтда оналар ва болалар ўлимининг юқори кўрсаткичлари билан сақланиб қолаётган дунё ҳамжамиятини ташвишга соляпти.

Чунки бундай ҳолат қандайдир оғир ёки юқумли касалликлар туфайли эмас, балки, энг аввало, кўплаб мамлакатларда оддий ва самарали тиббий-профилактик чоралар кўрилмаслиги оқибатида содир бўляпти.

ЖССТнинг соғлом оила, она ва бола масалалари бўйича бош директор Ўрдамчи Флавия Бустрево бу борада шундай баёнот билан чиққан эди:

«Ҳар йили 15 миллион бола — тахминан ҳар ўнчинг гулдак вақтидан илгари туғилмоқда. Бунинг натижасида йилига 1 миллиондан кўпроқ чақалоқ ўлими кузатиляпти. Аслида бу болаларни махсус парваришлаш, арзон вакцина ва дори-дармонлар орқали ҳаётга қайтариш, асраб қолиш мумкин эди. Бирок баъзи давлатларда болаларни улар саломатлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган комплекс тиббий ёрдам билан таъминлаш у ёқда турсин, ҳатто энг оддий санитария чоралари ҳам қўлланялмапти».

Вашингтон университетида олиб бориладиган тадқиқотларга кўра, 2008 йилда жаҳонда энг кўп оналар ўлими 6 мамлакат — Нигерия, Покистон, Афганистон, Эфиопия ва Конгода қайд этилган. Айниса, кейинги йилларда бу борада Сомали ва Чад давлатларида ахвол гоёта ачинарли тус олмақда. Ҳозир мазкур ҳудудлардаги туғируқчаларда ҳар 15-18 аёлдан бири вафот этапти.

Жанубий Америка континентида жойлашган мамлакатлар, масалан, Парагвай, Боливия, Габуна, Гайти, Никарагуа, Гондурас ва Суринамда ҳар 100 минг аёлдан 100 ва ундан кўпроқ оналар ўлими кузатиляпти.

Она ва бола соғлиқни муҳофаза қилишнинг ҳал қилувчи омилу бу — кучли соғлиқни сақлаш тизими, доволлаш муассасаларини зарур мутахассислар, ускуналар ва дори-дармонлар билан таъ-

минлаш ҳисобланади, — дейди **ЖССТ Репродуктив саломатлик ва илмий тадқиқотлар бўлими директори Марлин Теммерман**. — Бир қатор Осиё ва Африка давлатларида малакали кадрлар танқислиги жуда катта муаммага айланган. Масалан, Африка қитъасидаги 11 мамлакатда тиббиёт мутахассислари тайёрлайдиган бирорта ҳам ўқув муассасаси йўқ, 24 давлатда эса фақат 1 шундай ўқув юрти мавжуд. Статистика маълумотлар оналар ва гўдаклар ўлими айнан олий маълумотли акушер-гинекологлар етишмаслиги туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, айниса, жануби-шарқий Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатларида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, айниса, қишлоқ жойларда сифатли, арзон ва барча фойдаланиши мумкин бўлган тиббий хизматни жорий этиш, болаларни вакцинация қилиш долзарб масалага айланмоқда.

Масалан, Африка қитъасининг айрим давлатларида аҳолининг ўртача умр кўриши 55 ёшдан ошмаяпти. Болалар ўлими юқориликча қолмоқда. Ҳаёт даражаси паст ҳудудларда эса кекса ёшли одамларни уchrатиш мушкул. Чунки қишлоқларда медицина тушунчасининг ўзи йўқ. Биргина Уганда мамлакатини истиқомат қиладиган 34 миллиондан зиёд аҳолининг атиги 13 фоизи шаҳарларда яшаши инobatга олинса, вазият нақадар жиддий экани маълум бўлади.

Асосий госпитал ва клиникаларнинг аксарияти пойтахтларда жойлашган. Бошқа шаҳарларда эса доволлаш муассасалари жуда кам. Борларидан ҳам тиббий хизмат нарх-

Дунёнинг турли ҳудудларида соғлиқни сақлаш тизими ана шундай ачинарли аҳволда қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жуда катта ютуқларга эришилгани Жаҳон соғлиқни сақлаш эътирофига сазовор бўляпти.

лари ҳаддан ташқари қиммат бўлгани учун уларга оддий одамлар мурожаат қилолмайдди.

Жанубий Америкадаги ривожланган давлатлардан бири — 6,6 миллион аҳолига эга Парагвай ҳам мамлакат аҳолисининг қатна қисми, айниса, йирик чорвачилик ҳудудлари



Уса олган суяр.

да яшайдиган қишлоқ одамлари нафақат малакали медицина хизмати, балки шошилинч тез тиббий ёрдам етишмаслигидан азият чекапти.

Нисбатан замонавий шифохона мамлакат пойтахти Асунсонда барпо этилган. Бошқа катта шаҳарлардаги давлат шифохоналарида эса доимий равишда медресаментлар — вакциналар, тиббий жиҳозлар ҳамда кадрлар танқислиги кузатиляпти. Узига тўқ аҳоли шахсий шифохорлар хизматидан фойдаланади, бирок улар барча парагвайликларнинг 20 фоизини ташкил этади холос.

Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида вазият бундан ҳам оғирроқ. Халқаро экспортлар жаҳон ҳамжамияти эътиборини минтақадаги баъзи давлатларнинг қишлоқ ҳудудларида тиббий муассасалар деярли йўқ эканига қаратишмоқда. Бу — миллионлаб одамлар медицина хизматидан маҳрум дегани.

Масалан, Комбоджа қироллигида одамлар энг оддий, примитив касалликларга шифо топиш учун ҳам пойтахт — Пномпенг боришига тўри келмоқда.

Дунёнинг турли ҳудудларида соғлиқни сақлаш тизими ана шундай ачинарли аҳвол-

лакатимизда она ва бола саломатлигини муштахкамлаш, аҳолини, хусусан, қишлоқ жойларида яшайдиган одамларни сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш, соҳада малакали ҳамда ихтисослаштирилган кадрлар тайёрлаш, бир сўз билан айтганда, замонавий медицинанинг энг юқори талаблари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган умуммиллий тизимни шакллантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

Энг аввало, ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг жойларида бўлинмалари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш борасида янги ва ноёб ягона тизим яратилди.

Кўплаб давлатларда қишлоқларда яшайдиган миллионлаб инсонлар энг оддий тиббий хизматга ҳам муҳтож бўлиб турганда юртимизда барча замонавий асбоб-ускуналар ҳамда энг сунгги диагностика техникалар билан жиҳозланган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Шунингдек, бугун Ўзбекистоннинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият юртияпти, қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджетидан зарур поливитаминлар билан таъминланяпти. Икки ёшгача бўлган болалар бепул эмлаб борилиши натижасида баъзи давлатларда болалар саломатлигига ҳозир ҳам жиддий ҳавф солаётган дифтерия, кокаш, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Кейинги 20 йил мобайнида юртимизда оналар ва болалар ўлимининг уч баробардан кўпроқ камайгани Жаҳон соғлиқни сақлаш таш-

кироти томонидан Ўзбекистонда бу борада амалга оширилган комплекс чораларнинг самараси сифатида юксак баҳоланмоқда.

— Халқаро статистика шунини кўрсатмоқдаки, — деган эди **ЖССТ бош директори Маргарет Чен** Тошкентда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида ўтказилган халқаро симпозиумдаги нутқида.

— Оналар, гўдаклар ва болалар ўлимининг олдини олиш осон иш эмас. Буни кўп йиллик халқаро тажрибадан келиб чиқиб айтяман. Ўзбекистонда эса ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу борада ўз ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Бу ҳақда сўз кетганда, 2012 йилда Ватанимиз «Save the Children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингини била олган саломамлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан тиббиётнинг ўн йўналиши — хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия, дерматология ҳамда пульмонология соҳаларида Республика илмий-амалий тиббиёт марказларининг ташкил этилиши нафақат юртимиз, балки жаҳон медицинасида ҳам ноёб тажриба сифатида тан олинаётган.

Бугун мазкур муассасаларда энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Уларнинг аксарияти юқори технологик, яъни эндоскопик (беморга тиф тегизилмасдан қилинадиган замонавий жарроҳлик усули) амалиётлар

сирасига қиради. Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, олинган натижалар энг тараққий этган Европа клиникалари кўрсаткичидан қолишмаяпти. Авваллари айрим юртдошларимиз операция қилдириш учун хорижга боришарди, бугун эса чет эллик беморлар доволлашни умидида Ўзбекистонга кела бошлади.

Юртимизда дунё тиббиётини ташвишга солаётган яна бир муаммо — малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи ҳам самарали ҳал этилмоқда. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур муассасалар «Sharite» (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт марказлари билан изчил ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Соғлиқни сақлаш тизими-га киритилаётган сармоя бу, энг аввало, инсон капитали учун, унинг тараққийоти учун йўналтирилган сармоядир. Соғлиқни сақлаш вазирилик ахборот хизматининг маълум қилишича, соҳа ривожини учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2012 йилда шу мақсадлар учун 2,8 триллион сўм маблағ жалб этилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмни ташкил этди.

Умуман, юртимизда Давлат бюджетидан соҳага сарфланаётган харажатлар улуси 15,7 фоизга етди. Агар жаҳоннинг бир қатор ривожланаётган мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 3,5 фоиздан оширилмаётганини ҳисобга олдиндан бўлса, Ўзбекистонда инсон саломатлигини асраш ҳақида нечоғлик катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани янада яққолроқ намён бўлади.

Мустақиллик йилларида шакллантирилган соғлиқни сақлаш тизимининг миллий модели қанчалик тўри ва самарали эканлиги 1991 йилдан буён ўтган даврда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга узайганида ҳам ўз исботини топмоқда.

Соғлиқни сақлаш борасида Ўзбекистон танлаган йўл бугун дунёнинг кўплаб давлатлари намуна сифатида кўрсатиляпти. Ватанимизда инсон қади барча нарсадан устун деган тамойил том маънода миллий қадриятга айлангани тиббиёт соҳасидаги ислохотлар мисолида ҳам эътироф этиляпти.

Дилшод НАРУЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Тўлин ой

уйқусизлик сабабчиси

О к с ф о р д университетининг олимлари Ойнинг киши уйқусига таъсири нечоғли эканлигини илмий ўргандилар.

Синовда кўнгилчилар иштирок этди. Қизиғи шундаки, тўлин Ой пайтида кишилар бутунлай қоронғи уйда ухлашларига қарамай, уйқусизликдан азият чекишган. Авваллари бунинг сабабини Ернинг айланши кучи билан боғлашарди. Бироқ кейинги тадқиқотлар шунини кўрсатдики, тўлин Ой пайтида кишиларда фаоллик ортади. Айниса, Ойнинг эркакларга таъсири янада кўпроқ билинади, яъни уларда уйқусизлик камида 50 дақиқага ортади. Бундан ташқари, айнан Ой тўлишган пайтда кишиларда сезгирлик ҳам ошади — салгина шовқиндан ҳам уйқу қолади.

Оқимларнинг айтишларича, дейдики «Мир новостей» ҳафтааномаси ахборотида, Ойнинг кишиларга таъсир этиш механизми аввал ўйлангандан ҳам мураккабдир.

Қушлар пати

нега сув юқтирмайдик!

АҚШ ва Буюк Британия олимлари қушлар патига нега сув юкмаслиги сабабини аниқлади-лар. Ҳатто 30 метр чуқурликка шўнғисалар-да, патлари қуруқ қолади.

Тадқиқот натижалари «Journal of the Royal Society Interface» журналда ҳамда Мичиган технология институтининг сайтыда эълон қилинди. Қушлар патига сув юкмаслигини таъминлаш учун нима муҳим — думгаза безлари ажратадиган ҳимоя ёғини ёки патларнинг алоҳида физик хоссага эгалигини? Айнан шу масалани аниқлаш учун олимлар бир неча тадқиқот ўтказди.

Улар 6 турдаги қуш патларини олиб, думгаза бези ажратадиган ҳимоя ёғини молядиладан ва пат юзасига сувни ўзидан қочирадиган яна бир қават синтетик модда суртди.

Тажрибада аниқландики, сув остиде патлар юкка ҳаво қатламидан ўзиде сақлаб қолади. Бу эса қушлар териси сувга бүкишининг олдини олади. Бироқ қушлар сув остиде янада чуқурроқ шўнғиса, патлар орасидаги ҳаво ҳимояси йўқолади ва сув патлар орасига ҳам киради. Аммо куй сувдан чиқиб, бир силкиннинг ўзи етарли: патлари орасидаги сувдан асар ҳам қолмайди.

Илонлар водийси

қушлар учун ҳам хавфли

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридан унча узоқ бўлмаган ким-сасиз оролдаги илонлар водийси ўта захарли илонлари билан машҳурдир. Мамлакат ҳукумати 430 минг квадрат метр майдонни эгаллаб ётган мазкур оролда одамлар ташрифини тақиқлаб қўйган. Шу боис бу ҳудуд илонлар қўриқхонаси сифатида тан олинган. Фақат олимларгина бу илонлар яшаш тарзини, захри қувватини ўрганиш учун ҳар замонда ташриф буюради. Браконьерлар эса яширинча келиб, илонларни қимматли захри учун тутиб кетадилар. Унинг захри қора борздорда 30 минг долларга баҳоланади.

Олимларнинг кузатишларидан маълум бўлдики, бу ердаги илонлар ўзига хос ов услубига эгалиги билан ажралиб туради: улар пастлаб учиб бораётган қушларни беамалоп овлай олади. Яъни, илонлар улурга ўз захрини сочади ва бу захар тезда таъсир қилиб, қушни ерга қулатади.

Олимлар тахмин қилишларича, 11 минг йил муқаддам океан суви кўтарилиши натижасида бу орол Бразилиядан ажралиб қолган. Шунда илонлар очлик гирдобига тушиб, учиб кетадиган қушларга ўзига хос ҳужум уюштиришни ўрганишган.

Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, бу илонларнинг захри бошқа илонлар захридан беш баравар кучли эканлиги билан қимматлидир.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси

2014-2015 йилларда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича куриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИН ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буортмачи бошлангич нархи		Курилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-а уйдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси маъмурий биносини реконструкция қилиш	5 021 482 782 сўм	6 025 779 339 сўм	15 ой

Курилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси махсус маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буортмачи: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34-а уй.
Телефон: (8366) 234-11-00.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ре-

сурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўқшаш иншоотларда ишлаганилик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёкатига эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудрат-

чиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйида-

ги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона.
Тел: 231-13-51,
факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (сақсон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириг муддати — оферталар очилиш кунини соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34-а уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилоят бошқармаси биносиде соат 16:00 да ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

Фармацевтик фаолият билан шуғулланаётган ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича

тендер (конкурс) савдоларини эълон қилади.

Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгурчи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Андижон шаҳри, Амир Умархон кўчаси, 19-уй.**
e-mail: info@avhssb.uz
Тел/факс: (8-374) 228-42-96.